

## Шайтондан муҳофаза қилувчи дуо

Image not found or type unknown



08:32 / 13.12.2024 2768

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон масжидга кирсалар:

مَيِّجْرَلَا نَاطِيَّ شَلَا نَم مَي دَق ل ل و ن ا ط ل س و م ي ر ك ل ل و ه ج و ب و م ي ط ع ل ل و ل ل ا ب ذ و ع ا

**«Аъзу биллаҳил ғазийм ва биважҳиҳил карийм ва султониҳил қодийм минаш шайтонир рожийм», дер эдилар. Агар мана шу дуо ўқилса, шайтон: «Бошқа кунларда ҳам мендан муҳофаза қилинди», деб айтади».**

*Абу Довуд ривояти.*

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан**